



ИШОНСЕН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 7 октябр, жума № 165 (2006)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ПРЕЗИДЕНТ САНКТ-ПЕТЕРБУРГГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 6 октябр кuni «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига (МОХТ) аъзо мамлакатлар Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида иштирок этиш учун Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига жўнаб кетди.

Президентимиз сафар олдидан Тошкент аэропортида журналистлар билан суҳбатлашди. «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ҳақида гапирганда, унинг шу минтақада яшайётган халқларнинг ҳаёти учун нечоғли аҳамиятга эга эканига алоҳида эътибор қаратмоқ лозим, - деди Ислам Каримов. - Марказий Осиё минтақаси

халқларининг иқтисодий манфаатлари бир-бири билан узвий боғлиқ. Энергетика, табиий бойликлар ёки транспорт алоқаларини олинг, хуллас, барча соҳада манфаатларимиз туташиб кетган. Демак, биз олдимизда турган муаммоларни биргаликда, баҳамжиҳат ҳал этмоғимиз даркор. Шу нуқтаи назардан «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти ўз олдига қўйган

вазифаларини тўла адо этипти, дейиш қийин. Ташкилот фаолиятини янада жонлантириш, унда қабул қилинаётган қарорларнинг тўла ишланиши таъминлаш зарур. Санкт-Петербургда ўтажак саммитда минтақавий хавфсизликни таъминлашга, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантиришга, террорчилик ва наркотиқсизликка қарши биргаликда курашишга, шунингдек, «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилоти фаолиятини қучайтиришга оид масалалар муҳокама этилиши мўлжалланган.

(ЎзА)

ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШУВИ

Санкт-Петербург, 6 октябр. (ЎзА мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади). Президент Ислам Каримов «Марказий Осиё ҳамкорлиги» ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитида иштирок этиш учун бугун Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрига келди. Давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган қароргоҳда Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиевни қабул қилди. Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Қирғизистон муносабатлари ҳамда минтақавий хавфсизликка оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

«Пахта-2005» ЖИЗЗАХ ЗАМИНИНИНГ САХОВАТИ


Жиззах вилояти деҳқонлари қабул пунктларига 234 минг тоннадан зиёд пахта етказиб бериб, йиллик шартнома режасини ошириб бажарди.

Сўнги йилларда вилоятда пахтачилик соҳасида туб бурилиш ясалди. Бунда мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида вилоятда пахта етиштирадиган ерларнинг фермер хўжаликлари тасарруфига ўтиши бош омиб бўлмоқда. Натижада пахтачиликда давлатга маҳсулот сотиш режаси икки йилдан буён муваффақиятли бажариб келинмоқда.

Бу йил давлатга пахта сотиш шартнома мажбурияти энг қисқа фурсатда удаланди. Вилоятда 106 минг 400 гектар майдонда пахта етиштирган 5 минг 668 та фермер хўжалигининг хозиргача 80 фоиздан зиёди давлатга пахта сотиш бўйича тузган шартнома мажбуриятларини ошириб бажарди. Дўстлик, Арнасой, Мирзачўл туманлари пахтакорларининг вилоят хирмонидаги улуши айниқса катта бўлди.

Кейинги йилларда Жиззах вилоятида амалга оширилаётган ирригация ва мелiorация ишлари ўзининг ижобий натижасини кўрсатди. Хусусан, ҳукуматимиз томонидан ўтган йили ажратилган 2,5 миллиард сўмдан зиёд маблағ ҳисобига ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, шўрини ювиш, каналлар, зовурлар, ариқларни тозалаш борасида катта ҳажмдаги ишлар бажарилди. Буларнинг барчаси ҳосилдорликнинг ошишига замин яратди.


Вилоятда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берилгани, қишлоқ мулкдорларининг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани тўғрисида эрга мөҳр кўйган, пахтачиликда юқори самардорликка эришайётган фермерлар сони кўпаймоқда. Бу йил ҳосилнинг барвақт териб олиниши ва асосий қисмининг биринчи сортларга топширилиши нафақат фермерлар, балки қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайётган барча меҳнаткашларнинг даромадини янада кўпайтириш, бинобарин бутун вилоят аҳлининг фаровонлигини оширишга хизмат қилади, албатта. Вилоят пахта далаларида терим давом этмоқда.



ТОТЛИ, ШИФОБАХШ

Қадимий Нурота замини азал-азалдан ўзининг шифобахш бўлоқлари билан машҳур. Тадбиркор Уктамансуров ишлаб чиқараётган «Нурота» маъданли сувлари шу боис ҳам тезда истеъмолчилар назарига тушди.

Германия ва Россиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда замонавий қадоқлаш технологияси ўрнатилган корхонада кунига 10 минг литрча апельсин, кўк олма, малина ва маъданли сув каби чанқовбости ичимликлар тайёрланмоқда.



Суратларда: соҳибкор Мартаба Ҳамроқуллова; сабзавотчи Махсуба Махманова.

ЎХШАШИ ЙЎҚ БУ ГЎЗАЛ БЎСТОН

Самарқанд вилояти меҳнаткашлари мана бир неча йилдирки, қишлоқ хўжалиги соҳасида сезиларли ютуқларни қўлга киритмоқда. Самарқанд тумани эса мева-чева ва полиз маҳсулотлари етиштиришга ихтирослашган ҳудудлардан бири ҳисобланади.

Бу ерда асосан Самарқанд шаҳри ва туман аҳолиси дастурхонини тўқин қиладиган тури-туман витаминларга бой бўлган озик-овқат маҳсулотлари етиштирилади. Айни пайтда туманда 182 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатмоқда. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг деярли тўқсон фоизи шу ернинг ўзиде қайта ишланади. Хозирги кунда туман дала-ю боғларида айни пишиқчилик палласи.

Саховатли замин миришкору боғбонлари қўли-қўлига тегмай, қузги йиғим-терим ишларида меҳнат қилмоқда. Бу борада айниқса, «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги аъзолари барчага намуна бўлмоқда. Улар мева ва полиз маҳсулотларидан мўл ҳосил етиштиришлар.

Т.НОРКУЛОВ (ЎзА) олган суратлар

НАВБАТДАГИ ЯРМАРКА

Навоий шаҳрида аҳолини иш билан таъминлаш, янги иш ўринлари яратишга катта эътибор қаратишмоқда. Шу мақсадда шаҳар меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлими томонидан наваларида «Бўш иш ўринлари ярмаркаси» ўтказилди.

Унда шаҳардаги 62 корхона, ташкилот ва

Анджонда содир этилган машъум воқеалар ғанимларимиз тегириғини суя қуйишга, уларнинг бизга қарши маломат ёғдиришига сабаб бўлмоқда. Аммо, нақл этилганидек, ит ҳура, қарвон ўтар...

Авалламбор, халқимиз тинчлик-осойишталигимизга хавф солган, юртимиз барқарорлигини таҳдид остида қолдирган қўпоровчиликдан қўзланган ҳақиқий мақсадларни, ўша гаразли, узоқни ўйлаб амалга оширилган уринишлар мазмун-моҳиятини теран англаб, аянчли оқибатларини кўриб-билиб турибди. Террорчилик ҳаракатлари ташкилотчилари ва иштирокчилари ўзларининг қабиҳ ниятига етолмаганининг туб сабаблари ҳам, аслида, халқимиз уларни қўллаб-қувватлаганидир, сохта давлатларига эргашмаганидир.

Худди шу боис жангариларнинг одамларни гиж-гижлаб, алдаб, зўрлаб кўчага чиқариш, сўнгра оломонинг соддалигидан фойдаланиш ва жараёнини ўз манфаатлари сари бошқариш, ёни қабиҳ ниятларини амалга оширишдан иборат хомхаллари ўшандаёқ чиппака чиқди. «Анджон аҳолиси бизни қўллаб-қувватлайди», деб хомтама бўлганларнинг ёвуз хатти-ҳаракатлари вақтида бартараф этилди.

Энди жангарилар Анджонда, бутун Ўзбекистонда имон-этиқодли одамлар яшашини, улар бир ҳовуч муттаҳамларнинг ҳавойи гап-сўзларига, бузғунчи гоғларига асло алданмасликларини англаб етган бўлса ажаб эмас. Зотан, ҳамма нарсани ақл тарозисиде ўлчаб, соғлом фикрлай оладиган инсон турли алдовларга ўчмайди.

Энг муҳими, ориятли одам онг-шуурни манкуртлаштирувчи, маънавиятга, этиқодга путур етказувчи ҳар қандай ёвуз гоғ ва ақидалардан, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларга зид қарашлар ва хатти-ҳаракатлардан ўзини ўзи ҳимоялай олади. Шунинг учун ҳам ориятли одамни жалғитиб, йўлдан уриб бўлмайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида 12-13 май кунлари Анджон шаҳрида террорчилик ҳаракатлари ва бошқа ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланаётган 15 нафар судланувчига оид жиноий иш бўйича суд жараёнида иштирок этаётган гувоҳларнинг Анджон воқеалари билан боғлиқ кўрсатмаларида ана шу оддий, ҳаётий ҳақиқатлар ўз тасдиғини топмоқда.

Гувоҳ Дилшод Мамажоновнинг айтишича, у вил-

маусаса 227 иш ўрни билан иштирок этди. Шу кунни юздан зиёд талабдор ишчи бўлди. Уларнинг аксарияти «Навоийазот», «Электрик-мэзаводи», «Навоийпахтозлаш» акционерлик жамиятлари ҳамда «Ишлаб чиқариш корхоналари бирлашмасига» ишга қабул қилинди.

Меҳнат бўлими бундай ярмаркаларни тез-тез ўтказиб тургани боис шу йилнинг ўтган даврида 500 нафарга яқин фуқаро иш билан таъминланди.

ЯНГИ ТЕМИР ЙЎЛ БЕКАТИ бойсунликлар севимли масканига айланди

Тошғуздор-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўли курилиши тезкор суратларда давом этмоқда. Айниқса, турли вилоятлардан ташриф бурган йирик курилиш ташкилотлари аъзолари Байсун-Дарбанд оралиғида тинимсиз меҳнат қилиб, ишнинг олдинга силжишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Ватанимизнинг энг сўлим гўшаларидан бири тоғ ёнбағрида бунёд этилган мухташам ва гўзал темирйўл бекати аллақачон бойсунликларнинг севимли жойига айланди. Мохир курувчилар Байсун темир йўл бекатида нафақат Шарқ, аъналарини, балки ҳозирги замон меъморий ҳам сингдирдилар. Ободончилик ишлари йўлга қўйилди. Янги иш ўринлари пайдо бўлди. Айниқса, бекат атрофида экилган арча ниҳолларининг кўриниши кишиларга олам-олам қувонч бағишламоқда.



сининг 40 ўринга мўлжалланган ётоқхонасига дераза ва эшикларни сифатли ўрнатиб билан банд. Айни кунларда курилиш ишлари Байсундан Деҳқонбодга томон авж ёлмоқда. Қорақалпоғистондан келган 14-кўприк курилиш отрядининг фаолияти билан ҳам танишидик. Мазкур жамоа аъзолари Байсун-Дарбанд участкасида 2 та кўприк курилишини амалга оширишмоқда. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг май-сентябр ойлари давомида бу ерда 1,5 миллиард сўмлик курилиш-монтаж ишлари бажарилган. Техника-механизмларнинг овози бир зум тинмайди. Курувчиларнинг эса қўли-қўлига тегмайди.

Жамоамизда ўз касбининг жонқурларни кўп. Урлобтой Тўлегонов, Қазқабой Муратовлар шулар жумласидандир. Ўз навбатида биз доимий диққат эътиборимизни уларнинг иш шариоатларини яхшилашга қаратганмиз, — дейди отряд бош муҳандиси Қобул Ешмуратов.

А.РАҲМОНОВ, «Ишонс» мухбири

Раҳбарнинг маънавий қиёфаси

атиға катта миқдорда моддий зарар етказилди. Урганч туманига қарашли «Қизил жар» массивидаги «Дўстлик» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Лавозимиде ишлаб келган Лавозимов ҳам бурч масъулиятини тезда унутди. У устомонлик ила амалга оширган ишлар раҳбар-

нинг маънавий қиёфасини яққол кўрсатиб турибди. Раис ширкат хўжалигида ҳақиқатда бўлмаган қорамоллар боқилганлиги тўғрисида ҳужжат тайёрлади. Бир неча шахслар номини бажарилмаган иш учун сохта далолатнома тайёрлаб, ойлук маош белгиллади. Демакки, улар учун сохта меҳнат стажи юргизилди. Вақт ўтиши билан В.Бобононовнинг нафис ҳақлақ ота бошлади. Ахир «имкониятдан фойдаланмасан, раис бўлиб нима қилиб юрибди». Бу каби чиркин фикрлар ҳаёлида чарх урарди. Дил тўғри бўлмаган, инсон жўр томон оғиб бораётганлигини билмай ҳам қоларкан. Раис «Урганч ёғмой» ҳиссадорлик жами-

КЎЗБЎЙЯМАЧИЛИК давлатга катта миқдорда моддий ва маънавий зарар етказди

Унинг хотамтойлигидан акасининг ўғли ҳам бенаиб қолмади. Хўжалик раҳбарининг масъулиятсизлиги, мён раҳбарман, меники тўғри, қабилида иш юритиши оқибатида Вазирилар Маҳкамасининг қатор қарорлари талабларни бузди. Айнан раиснинг руҳсати билан ширкат хўжалигига қарашли пахта етиштиришга мўлжалланган ерларнинг муайян қисмига шили экилди. Натижада ёнма-ён карталарда гўза парваришланаётган ерлар захлаб, ниҳоллар куриб қолди. Ахир бундай йўл тутти деҳқончилик илмига мутлақо зид эканлигини яхши била туриб, кўзбўйячилик қилинди. Пировард натижада хўжалик манфа-

атидан олинган 100 тонна шелуха, 1 миллион 667 минг сўмлик пахта ёғини фуқароларга нақд пулга сотиб юборди. Бундай эгри ҳаракат тўғрисида давлатга катта миқдорда моддий зарар етказилди. Кўзбўйячи, фақат ўз манфаатини ўйлаб кетган раҳбар назардан қолди, вазифасидан олиб ташланди. Шундан сўнгра Қурамай Эгамбердиев хўжаликка етакчи бўлди. Ажабланарлиси шундаки, унинг номзоди атрофлича ўрганлимай масъулиятли вазифага тасвие этилган экан. Дастлабки кунларданқо товармоддий бойликлардан фойдаланишни ўйлаб қолди. Ҳақиқатда бўлмаган қорамолларни ҳисоботдан тушириш мақсадида бир нечта кишини пичан тайёрлашда қатнашди, деб сохта ҳужжат тайёрлади. Хисоботда турган 100 бош қорамолни эса уларга иш ҳақи сифатида берилди, ҳақи сифатида берилди, деб расмийлаштирди. Ўзи йўқ кишиларга ойлук ҳам тўлади. Шу қўйи маълум муддат хўжалик раҳбарлик қилган Эгамбердиев дайларни ким ва нега мансаб курсисига, ўта масъулиятли вазифага тасвие этишди? Эргали оғага ҳам текини ёқаркан. Улиби ўтирмай ҳаракатини бошлаб юборди. 389 бош қорамолни ҳисоботдан тушириш мақсадида баъзилари нобуд бўлди, айримлари эса ишчиларга иш ҳақи сифатида берилди, қабилида сохта ҳужжатлар тайёрлади. 18 нафар ишчи учун ноқонуний иш ҳақи тайинлади. Янги раис ўзидан аввалги раҳбарларнинг кўргиллигини била туриб, ноўй ишларга иккинламай қўл урди. Мана энди минг бора пушаймон бўлиб ўтирибди. Бундан не фойда? (Давоми 2-бетда)

САВОЛ: Лизинг шартномаси нима? У қандай амалга оширилади?

Н.ЖУМАЕВА, Жиззах вилояти
ЖАВОБ: Лизинг шартномаси мол-мулк шартномасининг тури бўлиб, у фуқаролик кодексида назарда тутилган тартибга солишчи қоидалар, халқаро молия лизинги тўғрисидаги Оттава конвенцияси қоидаларига асосланган.

ЛИЗИНГ ШАРТНОМАСИ

Саволингизга 5-сонли Юнусобод туман нотариал идорасининг давлат нотариуси

Лайло Алиева жавоб беради

лар иштираётган эди, бунда асосан қарз маблағлари жалб қилинади. Бу турдаги лизинг шартномаси йирик ҳажмдаги асбоб-ускуналарни, жиҳозларни ижарага беришда қўлланилади.

Қайтарма лизинг шартномасига мувофиқ мулк эгаси мулкни ижарага берувчига сотади ва кейин ундан шу мулкни учинчи шахс ижарага олади. Бундай шартнома лизинг олувчига жамғармаларини тежаш имкониятини беради.

Бош лизинг шартномаси лизинг олувчини бошқа шартнома тузмага ҳолда шу шартнома асосида мулкларни ҳам ижарага олиш ҳуқуқини қўзда туттади.

Компенсация шартномасида лизинг тўлови олинган мулкдан фойдаланиш натижасида маҳсулотларни бериш билан амалга оширилади.

Халқаро лизинг шартномаси субъектлар турли мамлакатларнинг юридик шахслари бўлиши билан ажралиб туради.

Халқаро лизинг мулкни ижарага ўз мамлакатда ёки чет мамлакатда беришига қараб, экспорт ва импорт лизинг шартномаларига ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 588-моддасига биноан лизинг объектлари - тадбиркорлик фаолияти учун мўлжалланган ҳар қандай ашёлар бўлиши мумкин. Лизинг шартномасида мулк ижараси шартномасининг бошқа турларидан фарқи равишда учта субъект: лизинг берувчи, лизинг олувчи ва ишлаб чиқарувчи иштирок этади.

Ушбу қонуннинг 589-модда-

сига биноан келажакда лизинг олувчига лизинг бўйича топшириш мақсадида мол-мулкни ўзига мулк қилиб олувчи шахс лизинг деб тан олинади. Эгалик қилиш ва фойдаланиш учун объект оладиган шахс лизинг олувчи деб ҳисобланади. Лизинг берувчи мол-мулкни

қариш, жиҳозлаш, таъмирлаш, умуман ашёни ишлаб чиқариш билан, шунингдек, харид қилиш учун сарфланадиган харажатлар тушунади. Бу харажатларнинг миқдори бевосита лизинг тўлови миқдорига тўлалигича акс эттирилади.

Лизинг олувчи объектдан фойдаланганлиги ёки фойдаланиши учун уни берувчига фойдасини шартнома белгиланган ставка шаклида тўлайди. Тўлови лизинг муддати билан бевосита боғлиқ бўлган шартноманинг асосий шартларидир.

Бинобарин, Кодексда назарда тутилган бўлмаса-да, тарафлар лизинг шартномаси тузилаётганда, унинг муддати мулкнинг амортизация муддати, лизинг тўлови эса лизингга берилаётган мулкнинг ўша ҳолатидаги қиймати фойдаланган нархи асосида аниқланган мақсадга мувофиқ бўлишини эътиборга олиши шарт.

Лизинг тўлови тарафларнинг келишувига қўра, шартномада белгиланган шаклда - пул ёки маҳсулот бериш, хизмат кўрсатиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 594-моддасига биноан лизинг тўлови лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига тўланадиган ва маълум объектни сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни ва унинг ставкасини ўз ичига оладиган пул суммасидир.

Лизинг объектни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар деганда янги ашёни лойиҳалаштириш, тайёрлашнинг технологик жараёнини ишлаб чи-

жада сифатли бўлмаган маҳсулот этказиб берилган бўлса, бунинг учун у лизинг олувчи олдида жавобгардир.

Лизинг берувчининг асосий бурчи мулкни шартнома шартларига ва унинг тайинлашига мувофиқ ҳолатда топширишдан иборат. Лизинг олувчи эса шунга яраша шартнома билан белгиланган мулкнинг ўзига топширилишини етказилган зарарларнинг тўлалигини талаб қилишига ёки шартномани бекор қилиш ва унинг бажарилмаслиги оқибатида қўрилган зарарларни ундиришига ҳақлидир.

Лизинг олувчига фойдаланиш учун топширилмаган мулк, уни қабул қилиб олишдан воз кечилган ёки мулкни муддатда топширилмаган деб ҳисобланади. Агар бундай ҳол лизинг берувчининг мажбуриятни бажарилмаслиги оқибатида унинг айбли харажатлари ёки йўл қўйган камчиликлари туфайли содир этилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 331-моддасига мувофиқ лизинг олувчи олдида жавобгар бўлади.

Амалдаги Қонуннинг 395-моддасига мувофиқ мол-мулк этказиб берилмаган, муддати кечиктириб этказиб берилган ёки унинг сифати тегишли даражада бўлмаган таҳдирда, лизинг олувчи:

Лизинг тўловларни тўхтатиб туриш; Этказиб берилаётган мол-мулкни рад этиш ва шартнома бекор қилишни талаб қилиш мумкин.

Лизинг шартномаси муддатидан олдин бекор қилинган тақдирда лизинг олувчи вақти-вақти билан бўнак сифатида тўланган пуллари ва бошқа суммаларини объектдан фойдаланиш даврида олган фойданинг қийматини чегириб ташлаб, ўзига қайтариб беришни талаб қилишига ҳақли.

Лизинг шартномасининг муддати туагагач, агар шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, объект лизинг олувчининг мулк бўлиб қолади.

Спорт оламида

Шоҳмат

ЎРОҚДА ЙЎҚ, МАШОҚДА ЙЎҚ

Халқаро шоҳмат Федерациясининг мулоқ жазон чемпинини аниқлаш ҳолатидан кейинги ислохотлари нафақат муҳлислари, мутахассисларни ҳам чалқатириб юборди. Ким саволи ҳали-вери топилмаганда ўқшамайди.

Гарчанд айни кулларда Аргентинада ўтказилган расмий жазон чемпинати қизгин паллага кирган, пешқадам ва аутсайдерлар кўзга яққол ташланиб қолган эса-да, ҳазон ўзини жазон чемпини деб ҳисоблаб келган Гарри Каспаров яна қандайдир нағмаларни ўйлаб топса ҳеч ким ажабланмайди. Шундай руҳият билан шоҳмат доналарини суриш, шак-шубҳасиз, спортчиға осон эмас. Биз бунинг хамюртимиз Рустам Қосимжоневнинг ўйинлари мисолида ҳам кўриб туришимиз.

Ёш, иқтидорли шоҳматчимиз эттинчи турда чемпионат қарвонбошчиси бўлиб турган болгариялик Веселин Топалов билан учрашди. Бунгача бир ўйинингизга дурранг қилиб, қолганларида ўз устунилигини намоийи этган В.Топалов бу сафар ҳам ишон билан дона сурди. Натияжада саккизинчи тур олдида 6.5 очко жамғариб, бошқа даъвогарлардан анча алгирлаб кетди.

Ушбу тур Россия вакили Пётр Свидлер учун ҳам омалди келди. У чемпионатда қатнашаётган ягона аёл - венгриялик Юдит Полгарни енгиб, очколари сонини 4.5 тага етказиб, иккинчи ўринга чиқиб олди.

Қолган ўйинлар қўйидагича туғайди: Александр Морозев (Россия) - Вишванатан Ананд (Хиндистон) - 1:0, Петер Лекко (Венгрия) - Майкл Адамс (Англия) - 1:0.

Набатдаги турда Топалов Лекога қарши ўйнаса, Рустам Қосимжонев россиялик А.Морозев билан куч синашади.

Бадий гимнастика

АВЛОДЛАР АЛМАШИНУВИ

Озарбайжон пойтахти Бокуда ўтказилган жазон чемпинати натоҳасига етишига бир кун қолганда Ольга Капранова икки қара жазон чемпини бўлишига улгурди. Россия вакили хамюртимиз Алина Кабаеванинг ўрнини билинтийрмади. Ун етти ёшли истеъдодли қиз хар икки машақда муваффақиятли қатнашди. Чемпионликка асосий даъвогар саволи Ирина Чашина фақат биттагина машақдагина бронза медали соҳиббасига айланади, қопток билан машақда хатто тўртинчи натижа кўрсатиб, муҳлисларини ранжитди.

Чашина ажойиб гимнастикачи. Аммо спортда ҳамма нарса бўлади, - деди О.Капранованинг мурабийи Вера Шаталина. Гимнастикачиларнинг ёш авлоди ҳозирнинг ўзидаёқ Чашина ва Кабаева алмаштиришлари мумкин.

Леккин бу фикрга Ирина ва Алина қўшишармикан?

Теннис

БЎШ КЕЛМАНГ ҚИЗЛАР

Токиода давом этаётган халқаро турнирда Россия жамоасида икки хил қайфият хук сурмоқда. Кеча турнирнинг олтинчи ракеткаси деб эътироф этилган Михаил Южный америкалик Уэсли Мудига ўтказиб қўйиб, Уэзо Шарқни муддатидан алгари тарк этадиган бўлди. Аввалроқ яна бир жамоа аъзоси Дмитрий Турсовун ўйинни бой бериб, томошабинлар қаторидан жой олган эди.

Бунинг акси ўлароқ Вера Звонарева ва Мария Кириленко мукофот фонди 170 миң АҚШ доллар билан турнирнинг чорак финалига йўллана олдилар. Энди Звонарева хиндистонлик Сония Мирзо билан, Кириленко эса америкалик Джим Крэйбас билан бахсга киришади.

Хоккей

НИГОҲЛАР МУЗГА ҚАРАТИЛДИ

Канада ва АҚШ учун хоккей биринчи рақамли спорт тури ҳисобланади. Шу боис ҳам муҳлислар Миллий Хоккей лигаси мунтазам чемпинати бошланишини интиқлик билан кутишади. Кунин кеча дастлабки учрашувлар бўлиб ўтди. Жумладан, «Детройт Ред Уингз» ўз майдониди «Сент-Луис Блюз» жамоасини қабул қилиб, 5:1 ҳисобида йирик галабага эришди. Павел Дацюк учрашувнинг энг яхши ўйинчиси деб топилди. У бир гол муаллифи ҳамда натижали ошириб берганлиги билан ҳам тилга тушди.

«Баффало Сэйбрз» ва «Нью-Йорк Айлендерс» клублари баҳсида 6:4 ҳисоби қайд этилди.

Футбол

ДОПИНГ КЎРИГИ

УЕФА кубогининг гуруҳ баҳсларида иштирок этадиган Болгария вакиллари - ЦСКА, «Левски» ва «Литекс» Миллий допинг назорати комиссияси қўриғидан ўтказилди. Бу ишга УЕФА ижроия қўмитаси мутахассисларининг қатъий талаби билан киришилди.

Агар биз бу теҳларни ўтказишга қаршиллик қилганимизда, барибир охири оқибат бу юмушни УЕФА мутахассислари бажарган бўлардилар, - деди Миллий допинг назорати комиссияси қотиби доктор Васил Попов.

З.РИХСИЕВ тайёрлади

Спорт оламида

Спорт оламида

Спорт оламида

Спорт оламида

Спорт оламида

Спорт оламида

Спорт оламида

Спорт оламида

Спорт оламида

Спорт оламида

Спорт оламида

Спорт оламида

Спорт оламида

Спорт оламида

Спорт оламида

Спорт оламида



БИЗДАН СЎРАГАН ЭДИНГИЗ

бўлажак фойдаланувчидан сотиб олган тақдирда ёхуд лизинг берувчи келажакда мол-мулкни ишлаб чиқарувчига топшириш учун ундан шу мол-мулкни сотиб олиш мақсадида уни маблағ билан таъминлаган тақдирда бир шахснинг ўзи ҳам лизинг олувчи, ҳам ишлаб чиқарувчи бўлишига йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 590-моддасига биноан лизинг тўлови лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига тўланадиган ва маълум объектни сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни ва унинг ставкасини ўз ичига оладиган пул суммасидир.

Лизинг объектни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар деганда янги ашёни лойиҳалаштириш, тайёрлашнинг технологик жараёнини ишлаб чи-

қариш, жиҳозлаш, таъмирлаш, умуман ашёни ишлаб чиқариш билан, шунингдек, харид қилиш учун сарфланадиган харажатлар тушунади. Бу харажатларнинг миқдори бевосита лизинг тўлови миқдорига тўлалигича акс эттирилади.

Лизинг олувчи объектдан фойдаланганлиги ёки фойдаланиши учун уни берувчига фойдасини шартнома белгиланган ставка шаклида тўлайди. Тўлови лизинг муддати билан бевосита боғлиқ бўлган шартноманинг асосий шартларидир.

Бинобарин, Кодексда назарда тутилган бўлмаса-да, тарафлар лизинг шартномаси тузилаётганда, унинг муддати мулкнинг амортизация муддати, лизинг тўлови эса лизингга берилаётган мулкнинг ўша ҳолатидаги қиймати фойдаланган нархи асосида аниқланган мақсадга мувофиқ бўлишини эътиборга олиши шарт.

Лизинг тўлови тарафларнинг келишувига қўра, шартномада белгиланган шаклда - пул ёки маҳсулот бериш, хизмат кўрсатиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 594-моддасига биноан лизинг тўлови лизинг олувчи томонидан лизинг берувчига тўланадиган ва маълум объектни сотиб олиш билан боғлиқ харажатларни ва унинг ставкасини ўз ичига оладиган пул суммасидир.

Лизинг объектни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар деганда янги ашёни лойиҳалаштириш, тайёрлашнинг технологик жараёнини ишлаб чи-

Пахта йиғим-терими ва касабаяушмалари



МЕҲНАТ АРДОҒИ

ти. Хусусан, Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаяушма Марказий кенгаши ҳам теримчиларга камарбаста бўлаётир. Кунин кеча Оқолтин туманидаги «Бойқўнғир» фермер хўжалигида илгорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Бу ерга Гулистон тиббиёт коллежининг 560 нафар талабаси хашарга келган бўлиб, улар яратилган шароитлардан мамнунлигини айтишди. Шундай

бўлсада, Марказий кенгаш раиси О.Муҳитдинова талабаларга яратилаётган шароитларни янада яхшилаш хусусида фермер хўжалиги раҳбари ва туман ҳокимлиги мутахассислари билан фикрлашди.

Аслида барчангиз илгорсиз, мукофотга муносибсиз, - дейилди илгор талабаларни тақдирлаш жараёнида. - Лекин илгорлар ичиди ҳам илгорлар бор. Шунинг учун голибларга берилган со-

вгалар барчангизники, деб билгайсиз. Тақдирда 150 килограмдан ошириб пахта тараётган Альфия Абдурахмонова, Кибрийе Кенжаева, Насиба Абдукаримова каби кўллаб талабалар ва теримни ташкил қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатаётган ўқитувчилар ҳам касабаяушма совғалари билан тақдирланишди.

Н.ЮСУПОВ, «Ишонч» муҳбири

Хатирчи туманида

160 миң нафардан зиёд аҳоли яшайди. Табиийки, уй-жой, катта-кичик қурилишлар, ободончилик ишлари йил бўйи давом этади.

ЭНГ ҚУРКАМ УЙЛАР

Ана шундай паллада қурилиш материалларига бўлган талаб ортиб боради. Бунинг учун англаган тадбиркор Фаффор Қодиров ўтган йили «Урол-Жамшид» хусусий гишт ишлаб чиқариш заводини ишга туширган эди. Йил давомида корхона қурилиш ташкилотларига 3 миллион дона гишт этказиб берди.

Шу йилнинг 9 ойида эса корхонада 2 миллион донадан ортиқ сифатли гишт ишлаб чиқарилди. Бу ерда кунига 140 миң донагача маҳсулот тайёрланади, истеъмолчиларга жўнатилмоқда. Янги йилдан печка ва хумдонлар сонини ошириш эвазига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини икки ҳиссага кўпайтириш мўлжалланмоқда. Завод иш бошлаган пайтда ўн киши меҳнат қилган бўлса, бугунга келиб ишчилар сонини 50 нафарга етди.

(ЎЗА)

«ЭСИЗ МЕНИНГ БОҒЛАРИМ»

хасталиклар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хисор водийсидан юртимизга ўтаётган фтор бирикмаси кукунлари Узат, Сарисоёв, Денов, Олтинсой хатто Бандиқон, Қизирқ туманларига етиб бориб, ерга сингмоқда. Аҳоли касалликларга чалингани, туғилишида хотин-қизларнинг 73 фоизи камқонлиги, чақалоқлар ўлимнинг кўпайгани, баъзи гўдақларнинг ногирон туғилиши хатарли экологик вазият туфайлидир.

Бундан ташқари туپроқ, сув, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига зарар етмоқда. Мутахассислар таъкирлаш шартини ўтказишда, биргина Узун туманида атмосфера ҳавосида фтор водородининг концентрацияси нормага нисбатан 5,6 марта, Сарисоёвда 6,2 марта кўпиги аниқланди. Қора-

Бугун йил бўйи қилинган меҳнат ўз натижасини бермоқда. Сирдарё вилоятида ҳам бу йилги пахта йиғим-терими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш, етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олиш мақсадида қатор ишлар олиб борилапти. Вилоятда белгиланган шартномавий режани бажарган фермер хўжаликлари сонини кундан кун кўпаймоқда.

Фермер етиштирган мўл ҳосилни ўз кучи билан йиғиштириб олишга ҳаракат қилади. Лекин мавсум аяқ паллага кирган бир пайтда чўл шароитида, айниқса, одам сийрак яшайдиган ҳудудларда хашарчилар кўмагига муҳтожлик сезилади. Ўз ташаббуси билан далага отланганларни уюштириш, улар ўртасида маданий-маърифий, дам олиш дастурлари ташкил этиш, терим ҳақини ўз вақтида берилишига кўмаклашиш ҳамда илгорларни муносиб тақдирлаш катта самара бериши турган гап.

Республика касабаяушма ташкилотлари ҳам бу масъулиятни ўз устасига олишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшишга ҳаракат қилмоқда. Касабаяушма ташкилоти мутахассислари барча туманларда маҳаллалар, корхона, ташкилот ва ўқув-юртларини терим мавсумида кўллаб-қувватлашда жонбозлик кўрсатишапти.

Фторли бирикмалар одамлар тана аъзоларининг тўқималарини емиради ва ниҳоят, нисло тозаловига зиён етказиши. Аёллар камқонлиги, бепуштлиқ, эндокрин ва стоматологик

муҳитга жуда катта зарар етказаяпти. Фторли бирикмалар одамлар тана аъзоларининг тўқималарини емиради ва ниҳоят, нисло тозаловига зиён етказиши. Аёллар камқонлиги, бепуштлиқ, эндокрин ва стоматологик

Барчани ўйлантираётган муаммо

молларнинг тишлари тўқилиб, гўштини баъзан истеъмол қилиш имконияти бўлмаётган қолаяпти. Денов туманидаги Юри қўргони, Гулистон маҳалла йиғини, Откамар, Минора, Аргум, Сарисоёв туманининг Суфид, Жарпета, Галабуфта, Дашнобод, Фозилқўчи тоғ олди қишлоқларида қўй-эчкиларнинг тиши тўқилиб

Анорлар қоп-қора пўнақ бוגлаб қириётган бўлса, помидор, бодринг, булғор қалампир, қовун-тарвузлар ҳосилга кирмаёқ қовжираб қолаяпти.

Бир вақтлар тоғли Қорабанди қишлоғи олтин ранг уриқлари, Шоҳ қишлоғи олмалари, Деҳбодом, Хонжизза, Хуфтор қишлоқлари ўзининг ёнғоқлари билан машҳур бўлган. Айни пайтда саломатлик учун фойдали бу ноз-неъматларнинг сифати пасайиб, тановул қилиб бўлмайдиган бўлиб қолди.

Бундан икки йил муқаддам Узун ўрмон хўжалиги боғbonлари яхши ният билан хурмо ва ёнғоқ меваларни эккан эдилар. Баҳордаги қисло-тали ёмғирлар туфайли қўчатлар қуриб қолди. Узун тумани Қизилбой, Қахрамон қишлоқларидаги қип-қизил гилослар, Сарисоёв шаҳарчасидаги шериша узумзорлар, Нилоба, Буйрақуш, Тинчлик қишлоқларидаги олча, қароли, беҳи даррахларнинг барглари бўжмайиб, мева бермай қўйди. Бундай мисолларни кўллаб келтириш мумкин.

Оммавий ахборот воситалари хабарларига қараганда, захри қотил кукунларини сочаётган заводнинг иккинчи навабти қурилишига оид савий-харажатлар қотбатгани ҳар бир кишини янаям ташвиш ва хавотирга солмоқда.

Иззат ҲИҚМАТОВ, «Ишонч» муҳбири

«Осмоннинг қовоғи солиқ. Кўкда оқиб, қулранг бўлгусимон моддалар сузиб юрибди. Тўсатдан эсан кучли шамол қуюқликни тоғлар ортига олиб кетди. Нафасни қисадиган ёқимсиз бўй тарқалди.

Булутларми? - сўраймиз меҳнат фахрийси Сайдулло бобо Ҳабибуллаевдан.

Йўқ алюминий заводининг кукунлари. Сўнг жабл билан қўшиб қўйди. Захри қотил бу!

Тожикистон Республикасининг Мирзо Турсунзода туманидаги алюминий заводи Марказий Осиёдаги шу маҳсулот ишлаб чиқарадиган ягона корхона. Лойиҳа қиймати йилга 517 миң тоннага тенг.

Мамлакатимиз ҳудудидан 12 километр узоқликда жойлашган гигант корхона ўзининг ярим асрилик фаолияти давомида атроф-муҳитга катта зарар етказди. У бир йилда ҳавога 21 миң тонна ифлос чикинди чиқариб ташлади. Шундан 119 тоннаси инсоният, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёсига ҳалокатли таъсир кўрсатувчи манбалардир.

Қўшинг тандирда ўт ёқса, туғини ҳовлига ўтади. Алюмин заводининг захар-зақумлари тоғ ва далалар оша шамол орқали Ўзбекистонга яндин тевилгидега етиб келади. Сурхондарё вилоятининг Сарисоёв, Узун, Денов туманларида шу боис ташвишли қолат юзага келмоқда. Фторли водоруд ва бошқа захарли чикиндилар одамлар саломатлигига, деҳқончиликка, наботот ва ҳайвонот оламига, атроф

муҳитга жуда катта зарар етказаяпти. Фторли бирикмалар одамлар тана аъзоларининг тўқималарини емиради ва ниҳоят, нисло тозаловига зиён етказиши. Аёллар камқонлиги, бепуштлиқ, эндокрин ва стоматологик

«ЭСИЗ МЕНИНГ БОҒЛАРИМ»

хасталиклар йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хисор водийсидан юртимизга ўтаётган фтор бирикмаси кукунлари Узат, Сарисоёв, Денов, Олтинсой хатто Бандиқон, Қизирқ туманларига етиб бориб, ерга сингмоқда. Аҳоли касалликларга чалингани, туғилишида хотин-қизларнинг 73 фоизи камқонлиги, чақалоқлар ўлимнинг кўпайгани, баъзи гўдақларнинг ногирон туғилиши хатарли экологик вазият туфайлидир.

Бундан ташқари туپроқ, сув, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига зарар етмоқда

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури — амалда

УСТАМА ИШ ҲАҚИ
фаолиятни яхшилашга ундади

Наманган туманида Ва- зирлар Маҳкамасининг «Ўқитувчилар меҳнати- ни қўшимча рағбатлантиришга доир эксперимент ўтказиш ва халқ таълими ходимлари меҳнати- га ҳақ тўлашнинг тармоқ сеткасига ўтиш тўғрисида»ги қарори асоси- да 552 нафар мураббийлар- га қўшимча устама иш ҳақи берилмоқда.

Хукуматимиз томонидан яратилган имтиёزلардан руҳланган ўқитувчилар ёш авлодни тарбиялаш йўлида сиқидилган меҳнат қилиш- моқда. Умумийлиги дастур- нинг бажарилиши юзасидан қўлаб ишлар амалга оши- рилмоқда. 668 миң дона тест, 26 миң 740 та кўргаз- мали қуроллар, 5 миң 348 дона дарс ишланмалари тайёрланиб, мураббийлар ёш авлоднинг таълим-тар- биеси учун шароитларни ҳозирлашган. Албатта, меҳ- натга яраша рағбат бўлган жойда ишга муносабат ўзга- ради.

— Жорий ўқув йилида ўқитувчилар меҳнати ра- баглантириш, ёш авлод тар- биеси- га ёндошиш ҳамда мактабларни дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъ- минлашда юқори натижалар- га эришилмоқда, — дейди халқ таълими бўлими муди- ри Т.Хасанов. — Шунинг ало- ҳида таъкидлаш керакки, «Осиё тараққиёт банки» то-

монидан туманимизда дарс- лик билан таъминлашнинг ижара усули тажриба сино- дан ўтказилди. Жорий ўқув йили учун 23 номдаги 26 миң дона, жами 50 миллион сўмликдан ортиқ дарслик ма- табларга тарқатилди. Натижа- да тумандаги 2-9-синф ўқув- чилари тўлиқ таъминланди.

Туманда Ўзбекистон Рес- публикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»-

ги қонуни, «Сихат-саломат- лик йили» Давлат дастурини амалга ошириш борасида бир қатор ишлар қилинди. Хусусан, ўқувчиларни омма- вий спорт турларига жалб қилишда муайян ютуқларга эришилди. «Шунқорлар» ҳар- бий-спорт мусобақасида 2- мактаб, «Яшил чироқ-2005» кўригида 32-, «Кўшиқлар бай- рами» танловида 7-мактаб- лар, «Соғломжон полвонжон»


спорт мусобақасида 24-мак- табга таълим муассасаси вилоятда биринчи ўринни эгаллагани ҳам кўрсатилаёт- ган эътибор самараси дей- ши мумкин.

Туман ҳокимлиги, «Камол- от» ёшлар ижтимоий ҳара- кати, «Маҳалла» хайрия жа- мғармаси кенгаш билан ҳам- корликда қабул қилинган «Умид ниҳоллари» спорт му- собақаларини ўтказиш тўғри-

сидаги қўшма қарор асоси- да мусобақалар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Вилоят спорт мактаблари тарби- яланувчилари ўртасидаги мусобақаларда 15-мактаб волейболчи ўсмирлари бир- инчи ўринни, баскетбол бўйича эса 24-мактаб ўқув- чилари 2-ўринни эгаллаш- ди.

Мусобақаларда маҳорат кўрсатиб, республика чем- пиони бўлган ўқувчилар ҳам талайгина. 17-мактаб ўқувчиси Акромжон Ҳамидов, 15-мактаб ўқувчи- лари Нурилло Мирзабоев, Раҳматулло Аҳмедов, Аб- думутал Ҳолмирзаевларни бугун барча танийди. Ал- батта, бу ўз-ўзидан бўлма- йди. Бугунги кунда туманда 29 та спорт зали, 42 та волейбол, 16 та бас- кетбол, 11 та футбол ва бошқа спорт иншоотлари- да ташкил этилган тўра- рақларда 16700 нафардан зиёд ўқувчилар спорт бил- лан шуғулланмоқда. Кези келганда замонавий сув ҳавзалари ҳамда спорт залларини қуриб, ўқувчи- ларга топшириш умумий- лиги дастурга киритилган- ларини ҳам таъкидлаш ло- зим.

Х.ҚОДИРОВ,
«Ишонч» мухбири
Суратда: янги қуриб битказилган мактаб би- носи



2005 йил — Сихат-саломатлик йили

Улуғ ҳақимлардан бири таъкидлаганидек, руҳни соғломлаштирмай туриб, танани даволаб бўлмайди. Шу боис инсон сихат-саломатлигининг посбони ҳисоб-данган шифокорларнинг тизим мавқеининг ошиши-даги хизмати катта.

Табиий клим шариоити аниқ мураккаб ҳисобланган Навоий вилоятда кейинги йилларда аҳоли соғлигини муҳофазалашга жиддий эътибор берилаяпти. Тизимдаги ислохотлар фуқаролар соғлигини сақлаш, оналик ва болаликни муҳофазалаш, соғлом турмуш тарзини қарор топти-

урологик операциялар, ла- боратория текширувлари юқори савияда ўтказилая-пти.

— Ёшим 80 га яқинлашиб қолди, — деб ёзди Навоий шахри Галаба кўчаси 141-уй, 43 - хонада яшовчи иккинчи жаҳон уруши фахрийси Қўлдош Жумаев. — Кексай- ган сари ҳар хил касаллик-

аъло нур бўлди. Воҳанинг Хатирчи туманидаги «Олтинсой» ширкат хўжалигида ўтказилган саломатлик кунларида оила тиббий маданиятини мустах- камлаш тўғрисида фикр юритилган бўлса, Учқудук, Кармана, Қизилтепа туман- ларида «Оилалар давлат эъозисида» тадбирлари уюш- тирилиб, аёлнинг оилавий ҳаётдаги фаоллигини кучай- тириш, қизларни турмушга тайёрлаш, никоҳланувчи- ларни тиббий кўриқдан

«БОЛАГА ДЎСТОНА МУНОСАБАТ» шарафига муяссар туғруқхона

риш, тиббий муассасалар- ни аҳолига ва қишлоққа яқинлаштириш, фуқаролар- ни оммавий диспансер кўригидан ўтказиш, энг му- хими, тармоқни экстенсив ривожлантириш йўлидан воз кечиб, интенсив та- комиллаштириш, беморларга қулай ва самарали усул ҳисобланган бирламчи тиб- бий хизматни йўлга қўйиш, ундан мақсадли фойдала- ниш ҳисобига амалга оши- рилапти.

«Саломатлик» лойиҳаси бўйича вилоятда 118 та қишлоқ врачлик пункти фа- олият кўрсатапти. Жорий йилнинг ўтган даврида Кар- мана туманидаги Ибн Сино, Учқудук туманидаги Қўл- дук қишлоқларида янги врачлик пунктлари қури- либ, фойдаланишга топши- рилди. Даволаш профилак- тика муассасаларида 50 миллион сўмлик 3 та сунъ- ий нафас бериш ва нарқоз аппаратури, 3 та жарроҳ- лик тўплами олиб берил- ди. 48 та қишлоқ врачлик пункти замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозлан- ди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасига қарашли да- волаш профилактика муас- сасаларида 1540 нафар врач ва 6822 нафар ўрта махсус маълумотли тибби- ёт ходимлари ишлаб ту- рибди. Республика шoshi- лич тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиали ва унинг Қизилтепа, Навба- ҳор, Қонимек, Нурота, Том- ди туманларидаги шохб- чаларида ишлаётган шифо- корлар ўзларининг бутун билим ва тажрибаларини беморларни дардидан фо- риг этишга сарфламоқда- р. Шифо масканида 10 та клиник, 4 та ёрдамчи, «Тез ёрдам» ва авиация бўлимлари бўлиб, юқори технологияли тиббий ас- боб-ускуналар билан таъ- минланган. Айни кунда шо- шилинч жарроҳлик, трав- матология, гинекология ва

лар хуруж қилаверар тизи- ми етишмовчилиги, ўпка йўлларидаги шомоллаш са- бабли «Навоийазот» тиббий санитария қисми ва вилоят сил касалликлари шифохо- насида даволаниб, соғли- гимни тиклади.

Қария ўзини дардидан фориғ этганликлари учун врачлар У.Икромов, Э.Мей- лиев, И.Раззоқов, ҳамшира Л.Твердохлебова, сил касал- ликлари шифохонаси ҳақим- лари Н.Хўжаев, Р.Қурбонов, У.Нурназарова, шифокор Ш.Хўжамовага чексиз миннатдорчилигини изҳор этади.

Фуқаролар томонидан билдирилган бундай миннат- дорчилик сўзларидан қўлаб мисол келтириш мумкин.

Вилоятда оналик ва бо- лаликни муҳофазалаш, кела- жак авлод соғлигини мустах- камлаш доимий эътиборда. Аёлларни соғломлаштириш давлат дастурига мувофиқ хотин-қизлар кўриқдан ўт- казилиб, туғруқ ёшидаги она- ларга малакали тиббий ёр- дам кўрсатилаяпти. Туғиш ёшидаги хотин-қизларни контрацептив вазиталар қамровига олиш мақсадида 15,2 миллион сўм маблаг ажратилди. Кармана тумани марказий туғруқхона бино- си тўлиқ таъмирдан чиқарил- ди. Вилоят асб-руҳий ка- салликлари диспансери, Ки- зилтепа силга қарши кўраш диспансери тизимлари шифо- хонасига етказилди.

— Она ва болалик муҳо- фазаси, репродуктив сало- матлиқни яхшилаш, оила тиббий маданиятини ошириш учун туғиш ёшидаги 21 миң нафар хотин-қиз соғлигини сақлашга алоҳида эътибор қаратилган, — дейди биз би- лан суҳбатда Кармана тумани марказий шифохонаси бош врач Юсуф Ёрғашев.

— Туғруқ мажмуасида гема- тология бўлимининг ташкил этилиши, камқонли, хомил- дор аёлларга ёрдам кўрсат- илаётганлиги нур устига

ўтказиш хусусида маслаҳат- лашилди.

Республика Саломатлик институтининг вилоят бўли- ми, халқро ХОУП лойиҳа- си, «Қизил Ярим Ой» жа- мияти, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жағмар- лари билан ҳамкорликда турли йўналишлар бўйича профилактика-тарғибот иш- лари, жисмоний тарбия ва спорт мажмуалари меъёр- ларини бажариш бўйича «Кичкинтой», «Барчиной», «Алломиш» мусобақалари, «Биз соғлом ва кучли оила» спорт мусобақалари одам- лар саломатлигини мустах- камлашга ижобий таъсир кўрсатапти.

— Шифохонамизда халқ хизматига ҳамшира тайёр, ўз касбини ардоқлаб келаят- ган Э.Сатторов, П.Адзиева каби ҳамкасбаримиз билан фахрланамиз, — суҳбатни давом эттиради Нурота тумани марказий шифохона- си «Ҳамширалик иши» бўйи- ча бош шифокор муовини Р.Ўзубоева. — Жамоамиз- да бундай саҳий қалбли тиббий ходимларидан 640 нафари ишламоқда. Туғруқ- хонамиз «Болага дўстона муносабат» мавқеига сазо- вор бўлган.

Аҳолини ижтимоий ҳимо- ялаш учун кўзи охиб же- мюрлардан 12 нафарига сунъий гавҳар қўйилиб, 16 нафар ногирон протез ор- топедия мосламалари бил- лан таъминланди. 22 нафар беморга эшитиш ускуна- лари, 5 нафар ногиронга ара- ванчалар берилди. Белги- ланган дастурга асосан да- волаш-профилактика муас- сасаларини таъмирлаш учун 250 миллион сўм маблаг ажратилди.

Шифокорнинг ширин сўзи ҳам даводир. Меҳр- муруватли, ширин муо- малали, оиқ кўнгилли тиббиёт ходимлари халқ хизматига ҳамшира камар- баста.

И. ИСОМИДИНОВ

Ибрат

Қадим Ҳоразмининг Шовот туманида ажиб бир ҳақиқатга дуч келдим. Мискинжон ота зияратгоҳи ва бу жойнинг садокати посбони Сафаргул опа Авазметова хузурда бўлиб, оламча эзгуликлардан хузурландим. Яхшиларнинг яхшичилиги элимга ибрат қилиб сўйлагини келди. Қўлга қалам олдим.

— Оби раҳмат билан кириб келган меҳмонларга жоним қурбон, — дея қулиб, қучиб қаршилади бизни бараваста коматли онахон. Ҳамроҳларини Шовот туман хотин-қиз- лар кўмитаси раиси Соробиби Ражабова, Хива тумани «Маҳалла» жағмармаси раиси Анжил мома Онабиби Каримова билан нимқоронгу айвондан ўйга кирдик.

— Опа жуда камтар, лекин қилаётган саваб ишлари дoston ёзишга аризулиқ, — дея сўз бошлади Соробиби. — Мана шу кўрган жойларингиз саксовуллар ўсиб ётган чангалзор, ҳувиллаган қўринчи мазористон эди. Одам қадамга етмаган жойлар, деса бўларди. Опа бу ерга кел- ган, ҳаммаёқ гулзорга айланди. Нураган қабрлар тиклан- ди. Айниқса, авлиё Мискинжон отанинг қабрлари жуда гўзал қилиб таъмирланди. Мана бу биз ўтирган уй, ай- лан қурилди. Хуллас, она нафақат ободонлаштириш иш- лари билан шуғулланибгина қолмай, 43-ўрта умумтаъ- лим мактаб бошланғич синф ўқувчилари ҳамда қишлоқ- даги кам таъминланган оилаларни ҳам ўз ҳоимчилигига олиб, зияратгоҳга тушган маблағини саваб ишларга сарф этмоқдалар. Бундан ташқари, салгина руҳи озурда қиз- жувларни барғига олиб, хунар ўргатадилар, тарбия қила- дилар. Улар соғайғач, оиласи, ота-онаси барғига эсон- омон қайтардилар. Ҳар йили 22 ноябр кунни она юртга эхсон оши тарқатадилар. Шу кунни рамзий маънода Мис- кинжон отанинг туғилган кунни Ҳоразмининг барча катта- кичиги, рақбару фуқароси бу тадбирда албатта иштирок этади.

НАҚАДАР ШИРИНСАН ҲАЁТ!

— Бу жойларни макон қилганингизга сабаб нима, опа- жон? — ички ҳайратимни яширолмаи сўрадим мен. — Опа жилмайиб турган бўлса-да, беихтиёр кўзлари- дан шода-шода ёшлар оқа бошлади. — Бу бир тарих, жон синглим. Муҳаббат мени шу кўларга солган, — деди ниҳоят. Бир гўзал йигит билан севиниб турмуш қурганим. Узоқ йиллар яшадик. Худо бизга фарзанд бермади. Қайнонам раҳматли, болам энди сени деб тирноқсиз ўтсини дунёдан, дедилар. Ҳўжайиним, она бизга шу турмуш яхши, бир-биримизсиз яшолмаймиз ахир, деган эди, қайнонам норозилик билдириб кўз ёш тўқдилар. Мен қайнонамни жуда яхши кўрадим. Бозор, меҳри- бон аёл эдилар-да, раҳматли. Айтгани айтган, дегани деган эди биз учун. У кишини тушунишга ҳаракат қил- дим. Елтиз ўғлидан бўлак ҳеч ким йўқ эди у бечоранин- г. У ҳам зуррийдисиз ўтса, йўқ... Кечаси билан йўглаб бир-биримиздан рози-ризолик сўрадик. Эрталаб дастур- хон устида қайнонамга бошқа келин олишларига рози- лигини билдирдим. Улар мени роса дуо қилдилар, қўшни қишлоққа совчиликка бордилар. Кейинги тунинг яри- да кўпчилигим иккита кўйлагимни қисиб, ҳеч кимга инда- май уйдан бош олиб кетдим. Шу кетганча бошим оққан томонга юравердим. Тонг гира-ширасида мана шу ба- ланд тепаликка етиб келдим. Қарасам ҳаммаёқ қабрлар. Бўлди шу жойда яшайман, деб аҳд қилдим ўз-ўзимга. Кабрисдон қоровулининг уйими, тобутхонами бир кичи- кина уйчага кирдим, жонзот йўқ. Яхши кўриш ёмон бўлар- кам, бир ойгача кундуз ҳам, кечаси ҳам шу уйчанинг томида тик туриб, нукул йўл пойлаيمان, назаримда ҳўжай- иним мени излаб келаятганга ўшардим. Интизорлик тор- та-торта охири нарчадим, лекин умид узоқмасдим, кеча- лари томида ётадиган одат чикардим...

Опа кўзига дастурмолинни босиб узоқ хижқиллаб йи- глади. Ярасини янгилаганимдан хижолат бўлиб, ёнига ўтдим, бағримга олдим уни... Ховлига чиқдик. Ёмғир тинган, дов-дарахтлар синган, ток сўрилари ерга ағванат ётарди. Момакаллардоқ гум- бурлаган, довул кўтарилиб, сел қўйган палладаги Са- фаргул опанинг ҳижоиси гўё табиат билан унинг кўнгли ҳаммаёқ фарёд қилган, бу фаршасида аёлнинг дил турғилари она табиатни ҳам қон йилглатган эди, назар- имизда. Боғ-роғга айланган кабрисдон атрофида бир пас суҳбат қурдик, муҳаббат ҳақида, қалб ва руҳ ҳолатлари борасида дардлашдик. Мискинжон ота қабрини зиярат қилдик.

— Мискинжон Момо деймиш бу оламизни, суҳбатга қўшилди Анжил мома ҳам. Бу мушфик аёл севги-содо- қатда беназир экан. Унинг хузуридан кўнглим ажиб туй- гунларга тўлиб қайди.

Муҳиба ҲАМИДОВА,
Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси етакчи мутахассиси

Хабарлар оқимидан

Кийиниш маданиятининг энг яхши намуналари

Мамлакатимиз умумтаълим мактабларида «Ўқитувчи одоби» кенгашлирининг ташкил этили- ши билан бу борда қатор ибратли тадбирлар амалга оширилмоқда. Педагогларнинг кийиниш одоби ва маданиятини юксалтириш мақсадида яна бир ҳайри ишга қўл урилди.

Ўқитувчи-педагоглар ўртасида «Энг ораста кийиниш маданиятига эга мактаб жамоаси» деган шоир остида республика танлови ўтказилди. Ўзбекистон Халқ таъ- лими вазирлиги томонидан уюштирилган бу савъ-ҳара- катга жойларда яхши тайёргарлик қўрилди. Алоҳида видеотасмалар, фото альбомлар ҳозирланди.

Ушбу нуфузли танловнинг республика босқичида голиблар аниқланди. Тошкент шаҳридаги 250-мак- таб жамоаси кўп балл тўплаб, совринли биринчи ўринни қўлга киритди. Ҳоразм вилоят Янгибозор ту- манидаги 8-мактаб вақиллари иккинчи, Самарқанд вилояти Самарқанд туманидаги 2-мактаб жамоаси эса учинчи ўринни эгаллади.

«ДУРДОНА»
Ўзбек кино тарихи йилномасида «Тоҳир ва Зух- ра» бадиий фильми алоҳида ўрин тутайди. Суратга олиниши, режиссураси талқини, ижрочилик маҳор- ати билан эътиборни ўзига тортувчи ушбу экран асарни мана 60 йиллиги, томошабинларга манзур бўлиб келмоқда.

Шу сана муносабати билан республика киноҳужжат- чилари янги постановка тайёрладилар. «Дурдона» деб номланган мажкур фильмда «Тоҳир ва Зухра»нинг яра- тилиш тарихи, кечган ижодий жараёнлар тизикларли лавҳаларда ёритиб берилди.

Янги ҳужжатлик экран асарининг тақдимоти кўпчи- ликка манзур бўлди.

А. АЛИЕВ

«Пахтакор» ширкат хўжалигининг мўъжаз клубига қи- рилишига билан вилоятнинг қийқириқларини эшит- сиз. Бу ерда қишлоқнинг кураш зали жойлашган. Хо- нага тўшлаган татамида болалар кураш тушинаяпти.

Ёшларга кексалikka таъ бермаган, жуссасидан қуч- ғайрат ёғилиб турган чайир ва эчил қария кўрсотмалар бериб турибди. Беллашув- да голиб келганларнинг ол- касига қўлиб эъозлайди, мағлуб бўлганларга кўпроқ маш қилиш лозимлигини уқтиради.

Бундан бир неча йил му- қаддам Чироқчи туманининг «Пахтакор» хўжалигида таш- курашчилар тўрага таш- қил этилган эди. Ушандан бери қишлоқ фарзандлари орасидан ўлаб моҳир ку- рашчилар етишиб чиқди. Уларга 70 ёшли кекса пол- вон, етти қара мамлакат чемпиони Абдурашид Мир- заев раҳбарлик қилапти.

— Буюк истиклолдан сўнг курашимиз қайтадан дунё- га келди, — дейди Абдура- шид бобо гиламда белла- шаётган болаларга ҳавас билан тикилиб. — Муста- қиликнинг дастлабки йил- ларида мамлакатимизда ўзбек кураши бўйича хал- қаро мусобақа ўтказилди, Президент соврини таъсис этилди. Ота-боболаримиз- нинг асри орауларни ушл- ганидан кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Абдурашид бобо тиним билмайди. Тўй ва байрам- ларда ўтказиладиган мусо- бақаларга бақовуллик қи- лди. Оқоқол ташаббуси би- лан қаровсиз қолган клуб хоналари таъмирланиб, ку- раш залига айлантилди.

Курашимиз фидойилари

биринчи тарихий жаҳон чем- пионати ва ал-Ҳаким ат-Тер- мизий хотирасига бағишлаб Президент соврини ўтган хал- қаро турнир бўлиб ўтган эди. Мажкур нуфузли мусобақда кашкадарёлик полвонлар ҳам фаол қатнашиб, соврин- ли ўринларни эгаллашди.

70 килограмм вазнда гил- ламга чиққан чироқчилик Абдурашид Мирзаев мусо- бақа финалида рақибни Эшл- улат Абдувоҳидовни 13 со- нида мағлۇб этиб, жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Ўз вазн тоифасида Нортожи Сайимов кумуш медални қўлга кирит- ган бўлса, Ботир Боймуродов, Рўжим Буриев ва Нор- мамат Йўлдошевлар бронза медалли билан тақдирлан- дилар.

— Кекса полвонлар фах- римиз, — дейди вилоят спорт- ва маданият ишлари бошқар- маси бошлигини муовини Шерали Шукров. — Улар- нинг бой тажрибаси, босиб ўтган ҳаёт йўли ёшларимиз учун ибрат ва намуна бўлиб хизмат қилади.

— Полвонларимизнинг жа- хон бўйича ўтказилган мусо- бақалардаги ютуқларини қуриб беҳад қувонаман, — дейди Абдурашид бобо Мир- заев мамнуният билан. —

И. ҚАРШИЕВ

Тахрир хайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алмихўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибати 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.40

Билиб қўйган яхши

ОИЛАДА ФАРЗАНД ТУГИЛДИ

Боланинг мижозини қунайтироқ учун унга икки нарсани қўлламоқ керак. Бирини, болани секин-аста тебратиш, иккинчисини, уни ухлатиш учун айтиш одат бўлиб қолган мусиқа ва аллашадир. Шу иккисини қабул қилиш микдорига қараб боланинг танаси билан бадантарбияга ва руҳи билан мусиқага бўлган истеъдод ҳосил қилинади.

Боланинг бадани қаттиқ ва териси кучли бўлиши учун кам тузли намакоб суртилди, намакобга шода- на, татим, сариқ йўнғичқа ва қаклик ўтидан бир оз қўшилса жуда яхши бўлади.

Баъзан болаларнинг сонлари бичилади. Шунда у ерга мирта, гулсапар илдизи, қизил гул ёки тўпа- локни янчиб сепилади, ё бўлмаса, арпа ёки ясамуқ уни сепилади.

Бола ўрнида ётганида унинг боши танасининг бош- қа бўлақларидан юқори турмоғи керак. Боланинг ётар ўрни унинг бўйинини, қўл-оёқларини ва умуртка усту- нини қийшайтириб қўйишидан сақланмоқ керак.

Эмишдан аввал боланинг оғзига йғлаши фойда- лидир. Эмишчиликнинг табиий мuddати икки йилдир.

Агар бола сўздан бошқа овқат ейишни тиласа, зўрламасдан аста-секин бера бошлаш керак. Сўнгра, олдинги тишлари чиқа бошласа, қучлироқ овқатга ўтказилади. Лекин чайналиши қаттиқ нарса берил- майди.

Баъзи вақтда болада йўтал ва тумов пайдо бўлади. Шундай вақтда боланинг бошига кўп маротаба илиқ сув қўйилиши буюрилган. Тилига кўп асал суртил- ди, сўнгра кўп балғам қўстириш учун тилининг орқа- сига бармоқ тегизилади, шунда у соғайди, касиро, беҳи, чучуқкия шираси ва қаллақандан бир микдор- да олиб, янги соғилган сўт билан болага ичирилади.

Н. СОЛИХОВА тайёрлади

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс КАЮМОВ

Тел: 56-52-78, 56-85-43

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134